



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Mart

4304 -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартда “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги 121-сонли қарори” нинг ижроси ҳақидаги 74қ-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартда “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги 121-сонли қарорининг ижроси юзасидан туманда мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмларини янада ошириш, техник, бошокли дон, дуккакли, мойли, полиз, сабзавот, картошка ва озуқа экинларини оқилона жойлаштириш, мевали боғ, узум ва тутзорлар ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартда “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги 121-сонли, вилоят ҳокимининг 2021 йил 10 мартдаги 74қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров), туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (С.Қурбонов), туман ирригация бўлими (С.Ибрахимов), туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (И.Рахимов), фермер хўжаликлари, агрокластерлар

хамда туманлар ҳокимликларининг таклифлари асосида:

2021 йил ҳосили учун асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 1-иловага;

2021 йил ҳосили учун асосий майдонларга сабзавот экинларини экиш муддатлари бўйича жойлаштириш кўрсаткичлари 2-иловага;

2021 йилда эртаки экинлардан ва ғалладан бўшайдиган такрорий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 3-иловага;

2021 йил ҳосили учун боғ ва узумзор қатор ораларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 4-иловага;

2021 йил пахта ҳосили учун ғўзанинг туманлашган ва истиқболли навларини жойлаштириш кўрсаткичлари 5-иловага;

2021 йил пахта ҳосили учун чигит экиш схемалари 6-иловага;

2021 йил пахта ҳосили учун суғурта уруғлик фондини ҳисобга олган ҳолда уруғлик пахта хом-ашёсини тозалаш ва уруғлик чигитни тайёрлаш ҳажмлари 7-иловага;

2021 йил ҳосили учун пахта етиштиришда талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳажмларининг ҳисоб-китоби 8-иловага;

2021 йилда асосий майдонлар, боғ ва узумзор қатор оралари ҳамда ғалладан бўшайдиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳажмларининг ҳисоб-китоби 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (Э.Худайберганов), туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямгуров) ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда:

хар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иклим шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинлари контурлар кесимида белгиланган муддатларда тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкил этсин;

уруғ, кўчат, минерал ўғит ҳамда сув билан таъминлаш тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин;

суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ва агрокластер (кооперация)ларда илмий-инновацион ёндашув механизмлари асосида алмашлаб экиш тизимини жорий этсин.

4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямгуров), ҳудуд раҳбарлари билан

биргаликда:

туман бўйича 1060 гектар ер майдонларини иккиламчи ижара ҳуқуқлари асосида ажратиб берилишини таъминласин ҳамда туманда ёшлар учун кооперация шартларида маҳсулот етиштиришни жорий этсин;

ажратилган ер участкаларига сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинларни жойлаштира син, экиш ва бошқа агротехник тадбирларни самарали ташкил этиш учун зарур чораларни кўрсин.

5. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (И.Рахимов), ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда маҳсулот етиштирувчилар билан тайёрлов, таъминотчи, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, савдо-харид ташкилотлари ўртасида маҳсулот етказиб бериш ва харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ишларини яқунласин.

6. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Ямғуров) га:

- агроинспекциянинг туман бўлими (М.Қурбонов) ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда 2021 йил ҳосили учун асосий ва такрорий майдонларга, боғ ва узумзор қатор ораларига экиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини экиш мавсуми якуни билан ўлчовдан ўтказиб борсин ва натижаси бўйича туман ҳокимлигига ахборот киритсин.

6. Туман ирригация бўлими (С.Ибрахимов), туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (И.Рахимов) ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда:

экинларнинг парвариши даврида ажратилган сув лимитлари доирасида қишлоқ хўжалиги экинлари турларининг сувга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда, суғориш графиклари асосида ўз вақтида сув билан тўлик таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш имкониятини яратсин.

7. “Хоразмагрокимёҳимоя” АЖ Богот туман бўлими (Х.Авезов), “Урганч нефть база” МЧЖ Хонка филиали (Х.Хўжаниёзов) ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда:

а) асосий ва такрорий майдонларга, боғ ва узумзор қатор ораларига экилган қишлоқ хўжалиги экинлари учун:

фермер хўжаликлари, агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларини белгиланган экин майдонларига ушбу қарорнинг 11,12-иловаларга мувофиқ минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материалларини белгиланган тартибда биржа савдолари орқали етказиб беришни;

касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан химоя қилиш учун зарур

кимёвий воситалар захираси яратилиши ва агрокимё хизматлари кўрсатилишини;

б) меҳнатга лаёқатли ишсиз ёшларга ажратилган экин майдонларида: сабзавот, полиз; картошка, дуккакли ва мойли экинлар маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёкилги-мойлаш материаллари ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда етказиб берилишини;

касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан химоя қилиш учун зарур кимёвий препаратлар захирасини яратиш билан бирга экинлар ривожланишининг мақбул фазасида ишлов бериш ва бошқа агрокимё хизматларининг сифатли амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани хокими



Ш.Яхшибаев